



«...».

«...» :...

1. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам:

**Аёлларга (яхши) муомала қилинглар, чунки аёл қовурғадан яратилган. Қовурғанинг энг эгри жойи унинг юқорисидир. Уни тўғрилашга уринсанг, синдириб қўясан, (шу ҳолича) ташлаб қўйсанг, эгрилигича қолаверади. Аёлларга (яхши) муомала қилинглар!».**

*Муттафақун алайҳ.*

Икки Имомнинг бошқа ривоятларида:

**«Аёл киши қовурғага ўхшайди. Тўғриласанг, синдириб қўясан. Агар ундан баҳраланадиган бўлсанг, эгрилиги бўйича баҳраланасан», дейилган.**

Имом Муслимнинг ривоятларида:

**«Аёл қовурғадан яратилган. У сенга бир йўсинда тўғри бўлмайди. Агар ундан эгрилигича баҳралансанг, баҳраланиб қолдинг. Лекин уни тўғрилайман десанг, синдирасан. Уни синдириш - талоқ қилишдир», дейилган.**

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI